



Tadqiqot.uz

2019

28 ФЕВРАЛЬ
ТОШКЕНТ

**“XXI АСРДА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УЛАРДА
ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ” МАВЗУСИДАГИ
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

Google
scholar

Crossref

ORCID
iD



БИОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИННОВАТЦИЯЛАР

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ОҚОВА СУВИДА ЮКСАК СУВ ЎСИМЛИКЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ

Бўриев С., Юлдошов Л.Т,
Бухоро давлат университети

Шаҳарлардан саноат корхоналаридан ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришдан чиқадиган оқова сувларни тозалаш услубларини яратиш ва улардан халқ хўжалигида фойдаланиш ҳозирги замон фанининг олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Бухоро воҳасида жойлашган қоравулбозор нефтьни қайта ишлаш заводи оқова сувларининг таркибида нефть маҳсулотлари нафтен кислотаси, меркаптанлар, азотли ва олтингугуртли бирикмалар, феноллар, водород сульфиди, мишьяклар ва бошқа моддалар бўлади. Бундай таркибга эга бўлган оқова сувларни тозаламасдан ёки чала тозалаб табиатга ташланса, тупроқлар, ўсимликлар, ҳайвонлар, шу жумладан, инсон ҳаёти учун ҳам хавfli ҳисобланади.

Нефть маҳсулотларини сақловчи оқова сувларни биологик услублар ёрдамида, яъни бактериялар ва микроскопик сувўтлари таъсирида тозалаш илмий жиҳатдан асосланган.

Таркибида нефть маҳсулотларини сақловчи оқова сувларда юксак сув ўсимликларини кўпайтириш мақсадида пистия (*Pistia stratiotes* L) лаборатория шароитида орғано-минерал муҳитда кўпайтирилиб, нефть маҳсулотларини сақловчи оқова сувнинг 1м² юзасига 100 граммдан ўсимлик массаси экилди.

Қоравулбозор нефтьни қайта ишлаш заводи оқова сувида ўсимлик экканга қадар ва эккандан кейинги физик-кимёвий таркиби аниқланди.

Оқова сувнинг муҳити рН-6,5; ранги сарғиш; ҳиди-5,0 балл; муаллақ моддалар-142 мг/л; сувда эриган кислороднинг миқдори йўқ; кислороднинг биокимёвий сарфланиши-195,4 мгО²/л; оксидланиш даражаси-152, 5 мгО²/л; аммиак-5,5 мг/л; нитритлар-0,02 мг/л; нитратлар-4,0 мг/л; хлоридлар-121,0 мг/л; сульфатлар-132 мг/л; нефть маҳсулотлари-95,0 мг/л.

Тажрибалар ўтказилган вақтда сувнинг ҳарорати 24-26 С⁰ ёруғлик 15-20 минг люкс атрофида бўлди. Пистия (*Pistia stratiotes* L) ўсимлигининг оқова сувда ривожланиши 1 ва 2 кунлари деярли кузатилгани йўқ.

Кейинги кунларда унинг ривожланиши фаоллашиб, тажрибанинг 7-8 кунлари биомассаси миқдори 710 г/м² га кўпайди.

Назорат вариантида, яъни Кноп муҳитида, пистиянинг ҳосилдорлиги 1,2 кг/м² ни ташкил қилди.

Оқова сувда ўсимлик ўсиб ривожланиши билан сувнинг физик-кимёвий таркибида ўзгаришлар борлиги аниқланди.

Сувнинг муҳити рН-7,5; ранги-оқимтир; ҳиди-1,0 балл; муаллақ-моддалар-40,2 мг/л; сувда эриган кислороднинг миқдори-4,8 мг/л; кислороднинг биокимёвий сарфланиш даражаси-29,8 мгО²/л; оксидланиш-32,8 мгО²/л; аммиак, нитритлар ва нитратлар ўсимлик томонидан ўзлаштирилган. Нефть маҳсулотларининг миқдори 9,7 мг/л гача камайди.

Оқава сувни водопровод суви билан 1:1 нисбатда суюлтирилиб қўйилган тажрибаларда пистиянинг ўсиши ва ривожланиши фаол бўлиб, унинг ҳосилдорлиги 980 г/м^2 га тенг бўлди. Сувнинг органино-минерал моддалардан тозаланиш даражаси ҳам юқори. Сувда эриган кислороднинг миқдори $8,4 \text{ мг/л}$, кислороднинг биокимёвий сарфланиши $11,2 \text{ мгO}_2/\text{л}$ гача, оксидланиш даражаси- $14,3 \text{ мгO}_2/\text{л}$ гача камайди, нефть маҳсулотлари бактериялар ва ўсимликлар томонидан тўлиқ ўзлаштирилди.

Тажрибалар натижасида, нефтни қайта ишлаш заводларидан чиқадиган оқава сувларда юксак сув ўсимликлари фаол ривожланиб, сувларни органино-минерал моддалардан $90-95\%$ гача тозалаш мумкин эканлиги аниқланди. Тозаланган сувни қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда, ҳамда корхонанинг ўзига иккиламчи сув сифатида ишлатилиши мумкинлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Таубаев Т.Т., Буриев С. Биологическая очистка сточных вод. Т.1980, стр.150.
2. Буриев С.Б., Жалолов Э.Б. Юксак сув ўсимликларининг ифлосланган сувларни тозалашдаги аҳамияти. “Сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг экологик жиҳатлари”. Бухоро 2015 й.
3. Буриев С.Б., Юлдошов Л.Т. Оқава сувларни тозалашнинг биотехнологияси. “Проблемы химической промышленности и пути их решения в свете её развития на современном этапе” Навоий 2016 й.
4. Лурье Ю.Ю. Аналитическая химия промышленных сточных вод. М.1984 г.

**“XXI asrda ilim-fan taraqqiyotining rivojlanish istiqbolлари va ularda innovatsiyalarning
tutgan ўрни” mavzusidagi Respublika ilmiy-online konferentsiya materiallari**

Muhiddinova M., Ergashov M "Pop Muzik" (Ommaviy Musiqa) - O'zbek Murotoz Musiqasining Kushandasi.....	230
The importance of english in tourism.....	233
Mirzayeva S., Xakimov F. Madaniy taraqqiyot rivojida milliy raqs va teatrning tutgan o'rnini.....	236
Shaxnoza T. Нелинейные особенности искусства и художественного эстетического творчества в формировании эстетического сознания личности.....	239
Усманова Г. Миллий рақс санъатининг долзарб муаммолари ва ривожлантириш истиқболлари.....	246
Мирзоев Х. Сайфий Бухорийи Ҳазратида XV аср санъат ва ҳунармандчилиги тасвири.....	249
Сафарова Т. Ўзбекистонда этномаданий туризм ривожлантиришнинг хусусиятлари.....	257

БИОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

Бўриев С., Юлдашов Л. Ишлаб чиқариш корхоналари оқова сувидан юксак сув усимлотларини қўлайтириш.....	254
Ибрагимов С. Экспериментальные результаты устройства фруктосушилки - водопреснителя.....	256
Jalolov E, Ikromova N. Baliqlarning tabiiy ko'payishiga iqlim o'zgarishining ta'siri va unga moslashish choralari.....	258
Qulnazarova V., Turdoba S. O'zbekiston xududida tarqalgan loyob o'simliklarni muhofaza qilish chora-tadbirlari.....	261
Жалолов Э, Икромова Х. Оқар сув бассейнида Товар Карп баландлигини етиштириш.....	264
Nurabullaeva G., Kaliknazarova A. Navruz baliq o'stirish xo'jaliklarida baliq chavoqlarini ovqatlantirish.....	266
Примов М. XX аср Урталарида Ўзбекистонда картографик тадқиқотлар парадигмаларининг шаклланиши.....	268
Narziyev Sh., Bo'irov M. Ishlab chiqarish muhitidagi zararli havoni tozalash tizimini tashkil qilish.....	271
Shamansurov S., Mamashayev B. O'zbekistonda radiatsiyaviy xavfsizlikni ta'minlashning huquqiy asoslari.....	273
Бобоходонов О., Қаймова Л. Экологик муаммоларни хал этиш - замон талаби.....	276
Файзуллаев М. Баратова Ч. Базиллик - жонсиз, витаминное растение.....	278
Фудимова Г., Нисомбоев З. Атроф - муҳитнинг турли саноат чиқиндилар билан ифлосланишининг долзарб муаммолари.....	280
Султонов Д., Ишғатаева М. Scolytus scolytus (Fabricius, 1775) va carphoborus perrisi (Charuis - 1869) ning ozuqa spektri.....	283
Султонов Д., Ишғатаева М. Carphoborus perrisi (Charuis - 1869) ning ozuqa joyini tanlashining ayrim xususiyatlari.....	285
Сулаймонова З., Тималеева Д. Современные триз-технологии с экологическим воспитанием.....	287
Абсарова Д., Мирзиев Д. Анализ хлеба по методике FTIR-ATR- обзор содержания воды в различных видах хлеба.....	289
Qobilov A. Vuxoro viloyati qora-qir ko'li ixtiofanasi.....	292
Амантурдиев И. Госсипол миқдори ва шаклларининг эколого-географик узоқ F2 гўза дурагайларида илдиэ чириш (rhizactonia solani) патогени билан зарарланиш даражасига таъсири.....	294
Мамалатиев Н. Экологикнинг долзарб масалалари.....	297
Очилов Л., Хамраев. Об одном методе решения фильтрации биогаза.....	300
Шавқиев Ж., Юлдашов У. Урта талайи гўза навларининг сув таъқисинига физиологик-биокимёвий ва усимлик миқсудларини курсаткилар бўйича таъсирчилиги.....	302

ТАЛАБА МИНБАРИ

Низматуллаев И. Имом Ал-Бухорийи асарларининг тарбиявий аҳамияти.....	305
Ахатаева Г. Innovatsiyalarni tadbirkorlikda qo'llash bizga nimalarni beradi?.....	307
Тўлабоев К. Fizikada kuchlarga oid masalalarni yechishda koordinatalar sistemasidan foydalanish.....	311
Abdullayev A., Toshqulova Sh. Rossiya imperiyasining o'rta osiyo xonliklariga nisbatan tajovuzining kuchayishi (Aleksandr Bekovich-Cherkasskiy harbiy ekspeditsiyasi misolida).....	314
Мамтохонова М. Sachratqi (cichorium) o'simligining tarqalishi va donivor xususiyatlari.....	317
Эшбоев Н. Дустилик каналы сувидан ичимлик мақсадида фойдаланиш учун яроқлилигига комплекс баҳо бериш.....	319

